

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТЖОНОВА КАМОЛА АБДУМУТАЛ ҚИЗИ

ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОН ВА КЕЛИШИК
ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

ЎУК: 811.214.21+811.512.133

КБК: 81.2-2 (Инд+5 Узб)

P-30

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Рахматжонова Камола Абдумутал қизи

Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон ва келишик

грамматик категорияларнинг қоғиштира-типологик тадқиқи 3

Рахматжанова Камола Абдумутал қизи

Сопоставительное-типологическое исследование грамматических

категорий числа и падежа в хинди и узбекском языках 23

Rakhmatjanova Kamola Abdumutal qizi

Contrastive -typological study of grammatical categories of numbers and

cases in Hindi and Uzbek languages 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТЖОНОВА КАМОЛА АБДУМУТАЛ ҚИЗИ

ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОН ВА КЕЛИШИК
ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil602 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқова Ширин Бахтияровна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Ходжаева Нилуфар Бекмуратовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-русурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.д.

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида турли оилалар ва тузилишларга хос тилларни бир-бири билан чоғиштириб ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланиб, мазкур йўналиш тилшуносликнинг ривожига катта илмий аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, бугунги кунга келиб жаҳон ҳамжамиятида ўзбек тили мавқеининг ошиб бораётганини ҳам кузатиш мумкин. Ғарб ва Шарқ давлатларининг нуфузли университетларида ўзбек тили кафедраларининг мавжудлиги фикримизнинг яққол далилидир. Айни чоғда хорижий тил қонуниятлари, ҳодисаларини ўзбек тили грамматикаси билан боғлаб ўрганиш муҳим вазифа бўлиб келмоқда. Ҳиндий ва ўзбек тилларида от туркумига хос грамматик категорияларнинг хусусиятлари, ифодаланиши, ҳосил бўлиш шакллари умумий ва хусусий жиҳатларини тадқиқ этиш жараёнида Ўзбекистон ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий-назарий фикр-мулоҳазалари истисносиз инобатга олинди.

Дунё тилшунослигида ҳиндий ва ўзбек тилларидаги от сўз туркумининг умумий хусусиятлари, ясаши, маъно ҳамда тузилишига кўра жиҳатлари атрофлича ўрганилган Шунингдек, танланган икки тилнинг от сўз туркуми билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлар ҳам таҳлил этилган. Бироқ ҳиндий ва ўзбек тилларидаги отга хос сон ва келишик грамматик категориялари чоғиштира-типологик хусусиятига кўра ханузгача тадқиқот объекти бўлмаганлиги мазкур тадқиқот ишини талаб қилмоқда. Бундай вазият шарқ тилини она тили билан чоғиштириб ўрганишни, тилларга хос умумийлик ва хусусийликни аниқлашни, қолаверса, улардаги яқинлаштирувчи, нисбатан яқинлаштирувчи ва узоқлаштирувчи тил фактларини ўрганиш заруратини белгилайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шарқ тиллари, айниқса, ҳиндий тилини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Ҳиндистон билан алоқалари қарийб минг йилликлар билан бўйлашади. Айниқса, сўнгги 30 йилликда бу муносабатлар ўзининг энг юқори босқичига чиқди. Мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқалар иқтисодий, сиёсий ва дипломатик соҳалар билан бир қаторда маданий ва таълимий жабҳада ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳиндий ва ўзбек тиллари материаллари мисолида от сўз туркуми сон ва келишик категорияларини чоғиштира аспектда тадқиқ этишга йўналтирилган изланиш Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги илмий ва таълимий алоқаларга оз бўлса-да, ўз улушини кўшади. Мазкур тадқиқот Ҳинд-европа тиллар оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб ҳиндий ва Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига кирувчи ўзбек тилини от туркумига хос грамматик категориялар кесимида типологик ўрганишга бағишлангани, чоғиштира аспект доирасида илк бор амалга оширилаётгани билан долзарб ва янги саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Олий таълим тизимини 2020 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий

этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумки, «ҳар қандай илмий муаммонинг ўртага қўйилиши ва бу соҳада тадқиқот ишларининг бошланиши маълум бир тарихий давр билан бевосита боғлиқ бўлиши шубҳасиздир»¹. Зеро, тадқиқ этилаётган муаммонинг моҳиятини билмай туриб, унинг ҳозирги ҳолати борасида бирор тўғри фикр билдириш амри маҳол.

Кўпгина дунё тилшунослари ҳинд-орий тилларидаги от сўз туркумига оид маълумотларни умумий тарзда қайд этиб ўтганлар. Жумладан, С.К.Чаттержи, Д.Варма, Бх.Тиварий, К.Гуру², З.М.Димшиц, А.П.Баранников, Г.А.Зограф, Т.Е.Катенина, В.П.Липеровский³ каби ҳинд ва рус олимлари от сўз туркумининг лексик-грамматик жиҳатларини ёритганлар.

Ўзбек ҳиндшунослигида Жанубий Осиё минтақаси тилларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганилиш бўйича талайгина ишлар қилинди. Бу илмий ишлар мавзуси, даставвал, анъанавий тадқиқ этилаётган «Шарқ тиллари лексикологияси» муаммолари билан чамбарчас боғлиқ эди. Кейинчалик мавзулар доираси анча кенгайди. Ҳозир ўзбек ҳиндшунослигида етакчилик қилаётган бир неча асосий йўналишларни кўрсатиш мумкин. Хусусан,

¹ Турниёзов Н.Қ. Нутқ ва унинг эгоцентриқ характери хусусида баъзи мулоҳазалар. Тил ва нутқ систем-сатҳ талқинида. – Самарқанд, 2005. – Б.21.

² Чаттержий С.К. Введение в индоарийское языкознание. -М.: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1977, धरेन्द्र वर्मा – हिन्दी भाषा का विकास – दिल्ली 1962, भोलानाथ तिवारी – हिन्दी भाषा – इलाहाबाद, 1978, Камтапрасад Гуру Грамматика хинди. Часть II – М.: Наука, 1962.

³ Дымшиц З.М. Грамматика языка хинди. Часть II – М.: Наука, 1986; Баранников П.А. Проблемы хинди как национального языка. – Л.: Наука, 1972; Зограф Г.А. Морфологический строй новых индоарийских языков. – М.: Наука, 1979; Т.Е.Катенина Язык хинди. -М.: Издательство восточной литературы, 1960; Липеровский В.П. Именные части речи языка хинди. – М.: ГРВП, 1978.

социолингвистик⁴, лексик-семантик ва лексикографик⁵, грамматик ва қиёсий структур-типологик ва ҳинд-орий тиллари грамматик ҳодисаларининг контрастив таҳлили йўналиши⁶ шулар жумласидандир.

С.С.Нурматовнинг «Ҳиндий ва сингал тилларидаги соннинг морфологик хусусиятлари» мавзусидаги тадқиқоти қиёсий-типологик аспектда олиб борилган бўлиб, унда сон сўз туркуми ҳақида сўз юритилган икки қардош, яъни генетик ҳамда типологик жиҳатдан бир гуруҳга кирувчи тиллар – ҳиндий ва сингал тилларининг умумий хусусиятлари батафсил ёритилган. Бироқ унда сон ва келишик категориялари таҳлилга тортилмаган⁷.

Ўзбек тилшунослигида умумий тилшунослик⁸, ўзбек тили тарихи ва ҳозирги ўзбек тилидаги сўз туркумлари ва уларга хос грамматик категориялар ҳақида бир қанча илмий изланишлар олиб борилган⁹.

Ўзбек тилида сон ва келишик категориялари шаклларининг ўрганилиши А.Ғуломов тадқиқотидан бошланди¹⁰. Олим ўзбек тили келишикларини семантик ва синтактик хусусиятларига кўра ўрганган. Кейинчалик И. Расулов, И.Зиёева, Т.Иноятов, А.Йўлдошев, Г.Рўзиев, А.Маъруфов, Р.Расулов, Ш.Раҳматуллаевлар келишикларнинг ҳар бир шаклини формал тадқиқ усули асосида атрофлича таҳлил қилганлар¹¹.

Ҳиндий тилидаги отга хос грамматик категориялар ўзбек тилидаги айни грамматик категориялар билан чоғиштирма-типологик жиҳатдан биринчи бор махсус ўрганилмоқда.

⁴ Холмирзаев Т.Х. Социальная обусловленность функциональных и лексических изменений в языке урду Индии. Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1971; Бегизова Х.Б. Лексические и грамматические особенности английских заимствований в хинди. Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1973

⁵ Шоматов О.Н. Лексико-грамматический очерк языка дакхини XVII в. Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1966, Он же Адаптация иноязычной лексики в системе южного хиндустани XV – XVII вв.: Автореф. дисс...докт. филол.наук. – М., 1984; Жалилова Ш. Термины родства и свойства в языке хинди. Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1976; Иброҳимов А.П. «Бобурнома» даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол. фан., номз. ...дисс. автореф. –Т., 2001, Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи («Девон», «Мубаййин», «Аруз»). Филол.фан. док. автореф. – Т., 2008.

⁶ Комилов З.С. Опыт контрастного изучения деепричастных форм в языках бенгали и хинди. Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1995, Абдурахмонова М.Х. Неличные формы глагола («вербоиды») в классическом дакхини (Южном хиндустани – 17 в.) Автореф.дис...канд.филол.наук. – М., 1995, Нурматов С.С. Ҳиндий ва сингал тилларидаги соннинг морфологик хусусиятлари. Филол. фан. номз...дисс.автореф. – Т., 2005

⁷ Нурматов С.С. Ҳиндий ва сингал тилларидаги соннинг морфологик хусусиятлари. Филол. фан. номз...дисс.автореф. – Т., 2005.

⁸Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Т., 1972; Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т., 2005; Содиков А.Ю. Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1981; Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992; Холманова З.Т. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, ЎзМУ, 2007.

⁹ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, 1-том. -Т.: Фан, 1975; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. – Т.: Фан, 1965; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Т.: Ўқитувчи, 1995; Мухторов А., Санакулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1995; Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2009.

¹⁰ Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар/Труды Узбекского филиала АН СССР.Сер.2. -Т., 1941.

¹¹ Расулов И. Отнинг грамматик категориялари. Танланган асарлар. II жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2015. – Б. 127-153.; Зиёева И. Келишик аффиксларининг функционал алмашинувларига доир –Т., 1958; Иноятов Т. Бош келишикнинг вазибалари. – Т., 1971; Йўлдошев А., Рўзиев Г. Ўзбек тилидаги жўналиш ва ўрин-пайт келишигига доир. – Т., 1970; Маъруфов А. Ўзбек адабий тилидаги икки келишик формаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари; Расулов Р. Ўзбек тилида бош келишик ва унинг грамматик функциялари. Андижан, 1956; Расулов Р. Чикиш келишиги. Андижан, 1957; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тили келишигини таснифлаш ҳақида. Ташкент, 1969.

Мазкур тадқиқот ишига манба сифатида Премчанднинг प्रेमचंद - मानसरोवर *Premchand Ma:nsarovar*¹² «Танланган асарлар тўплами», Браз Бхушаннинг आलोक *A:lok* «Ёруғлик» (New Delhi, 1989) асари, Абдулла Қаҳҳорнинг «Дахшат» (Тошкент, 2018) ҳикоялар тўплами ҳамда Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» (Тошкент, 1989) асари танланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, Шарқ филологияси ва таржимашунослик факультетининг илмий режаларига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳиндий ва ўзбек тилларидаги от туркумига хос сон ва келишик категорияларини чоғиштирма-типологик асосда таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

отнинг грамматик категориялари ҳақидаги назарий қарашларни атрофлича ёритиб бериш;

типологияга оид изоморфизм ва алломорфизм тушунчаларини назарий жиҳатдан асослаш;

икки тилдаги сон ва келишик категорияларининг ўзаро изоморфизм ҳолатларини аниқлаш;

ҳиндий ва ўзбек тиллари сон ва келишик категорияларининг ўзаро алломорфизм ҳолатларини асослаш;

чоғиштирма-типологик метод асосида эришилган натижалар юзасидан илмий моделлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ҳиндий тилидаги Премчанднинг प्रेमचंद - मानसरोवर *Premchand Ma:nsarovar*¹³ «Танланган асарлар тўплами», Браз Бхушаннинг आलोक *A:lok* «Ёруғлик» (New Delhi, 1989) асари, ўзбек тилидаги Абдулла Қаҳҳорнинг «Дахшат» (Тошкент, 2018) ҳикоялар тўплами ҳамда Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» (Тошкент, 1989) бадиий асарлар матнида воқеланган от туркумининг сон ва келишик грамматик категориялари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳиндий ва ўзбек тилларидаги от туркумига хос сон ва келишик категорияларидаги алломорфизм ва изоморфизм ҳодисалари олинди.

¹² Ҳиндий тилидаги сўзларнинг транскрипциялари Дымшиц З.М. Грамматика языка хинди. – Москва, Наука, 1986. Часть II. –С. 210. Ульциферов О.Г. Словосочетания в хинди. -М.: Наука, 1971. -349 б. ҳамда Шоматов О.Н. Ҳиндий тили меъёрий грамматикаси. – Тошкент, Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1-қисм, 2010. -112 бет асарлари асосида берилди.

¹³ Ҳиндий тилидаги сўзларнинг транскрипциялари Дымшиц З.М. Грамматика языка хинди. – Москва, Наука, 1986. Часть II. –С. 210. Ульциферов О.Г. Словосочетания в хинди. -М.: Наука, 1971. -349 б. ҳамда Шоматов О.Н. Ҳиндий тили меъёрий грамматикаси. – Тошкент, Тошкент давлат шарқшунослик институти, 1-қисм, 2010. -112 бет асарлари асосида берилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифий, чоғиштирма-типологик, семантик, моделлаштириш усуллардан фойдаланилди. Тўпланган ашёвий (аутентик) материаллар таҳлили асосан синхрон, ўрни билан диахрон аспектда олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ҳиндий ва ўзбек тилларининг от сўз туркумидаги сон ва келишик категориялари илк бор чоғиштирма-типологик метод нуқтаи назардан ўрганилиб, танланган тилларга хос умумийлик ва хусусийлик аниқланган ҳамда ҳиндий ва ўзбек тилларининг яқинлаштирувчи, нисбатан яқинлаштирувчи ва узоқлаштирувчи тил фактлари асосланган;

аутентик материаллар асосида иккала тилда ҳам сон грамматик категориясининг маъно ва вазифаларига кўра муштараклиги аниқланган;

икки тилдаги келишик грамматик категорияси асосида мазкур тиллардаги изоморфизм ва алломорфизм ҳолатлари аутентик материаллар кўра асосланган;

ҳар икки тилга хос келишик категорияси синтактик жиҳатдан ўрганилиши натижасида ҳиндий тилига хос 15 та, ўзбек тилига хос 9 та, жаъми 24 та модел ишлаб чиқилиб, улар асосида икки тилда ҳам айнан бош, тушум ҳамда қаратқич келишигининг махсулдор эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тилшуносликнинг грамматика бўлимида, жумладан, ҳинд-орий тилларида грамматик категорияларнинг лисоний жиҳатларини ўрганиш, хусусан, мазкур тил гуруҳи грамматикасига тааллуқли муаммолар юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар учун манба ва таркибий қисм бўлиб хизмат қилиши, қолаверса, чоғиштирма тилшуносликка доир илмий ишларда кўмак бериши, чунончи, ўзбек тилини ҳинд-европа тиллари билан чоғиштириб ўрганиш доирасида янги имкониятларга йўл очиши кўзда тутилган;

олий ўқув юртларида шарқ тилларини ўқитиш жараёнида тиллар типологияси йўналишини ривожлантириш, янги тадқиқотлар олиб боришга ёрдам беради. Бундан ташқари «Тилларнинг чоғиштирма типологияси» курсини шакллантиришга замин яратган. Мазкур тадқиқотда келтирилган хулосалардан олий ўқув юртлари учун яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг сон ва келишик грамматик категорияларига бағишланган бўлимларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-назарий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, тадқиқотга ёндашув ва фойдаланилган методларнинг ишга мослиги, илмий фикрларнинг назарий манбаларга асосланганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мослиги, илмий хулосалар чоғиштирма-типологик, тавсифий таҳлил методлари асосида келтирилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ҳиндий ва ўзбек тилларидаги сон ва келишик категорияларини чоғиштирма-типологик аспектда тадқиқ этилганлиги тилшунослик назарияси соҳасининг бир тизим доирасида ўрганиш

билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдиради ва кенгайтиради, чоғиштирма тилшунослик масалаларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади, тилшуносликнинг грамматик хусусиятлари шаклланиши билан боғлиқ назарияни янада кенгайтиради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса нафақат ҳинд ва ўзбек тилшунослиги, балки умумий тилшунослик бўйича янги илмий изланишлар олиб боришга ёрдам берибгина қолмай, назарий аҳамиятга эга бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда манба бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос грамматик категорияларнинг чоғиштирма-типологик таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос грамматик категорияларнинг чоғиштирма таҳлилинини ўрганиш, мазкур тилларнинг ўзаро изоморфизм ва алломорфизм ҳодисаларини кўриб чиқиш доирасида Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги «Марказий ҳиндий тили институти»да ўзбекистонлик талабаларга сабоқ беришда фойдаланилган (Ҳиндистоннинг Агра шаҳри «Марказий ҳиндий тили институти»нинг 19 июль 2019 йилдаги сертификати»). Натижада ҳиндий тилини ўрганувчи ўзбекистонлик талабалар ҳиндий ва ўзбек тилларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлашда яққол таассуротга эга бўлганлар. Ўз навбатида, хорижий тилни ўрганиш самарадорлиги ортган;

ҳиндий тилининг Ўзбекистонда ўрганилиши, тадқиқ этилиши, ҳиндий тили ўзбек тили билан чоғиштириб ўрганиш аҳамиятига доир маълумотлардан Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази илмий фаолиятида фойдаланилган (Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказининг 10 август 2020 йилдаги маълумотномаси). Натижада Ҳиндистон маданият марказида ҳиндий тилини ўрганувчилар она тили билан чет тилини чоғиштириб ўрганиш нечоғлик самарадор эканлиги ҳақида кўникмага эга бўлганлар;

Ҳиндистон ва Ўзбекистон маданий алоқалари ривожига ҳиндий ва ўзбек тилларининг ўрни, мазкур тилларнинг ўзига хос ифода услублари, ҳиндий тилидаги бадий асарларнинг ўзбек тилига таржима қилишда грамматик категорияларнинг ифодаси, ҳиндий ва ўзбек тилларининг умумий ва хусусий жиҳатларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон тарихи» телеканалда эфирга узатилган «Хайрли кун» саҳифасида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг 8 июнь 2020 йилдаги 02-40-666-сонли маълумотномаси). Натижада, тайёрланган материаллар теледастур мазмунини бойитиб, телетомошабинларда хусусан, ҳиндий ва ўзбек тилларини чоғиштириб ўрганиш бўйича тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий нашрлари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация мундарижа, кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва шартли қисқартмалар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ҳиндий ва ўзбек тилларида от сўз туркуми ва унга хос грамматик категориялар**» деб номланиб, мазкур боб «Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос грамматик категорияларнинг таснифи», «Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос сон грамматик категориясининг ўрганилиш масаласи», «Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос келишиқ грамматик категориясининг ўрганилиш масаласи» каби таркибий қисмлардан иборат. Анъанавий тарзда мазкур бобда тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этган К.Гуру, П.Пандей, С. Сатянараян, В. Прасад, В.П.Липеровский, Г.А.Зограф, З.М.Димшиц, О.Н.Шоматов, Ғ.Абдурахмонов, Э.Фозилов, С.Усмонов, А.Ғуломов, Қ.Сапаев, З.Холманова А.Ҳожиев, М.Ирискулов, Р.Расулов каби ҳинд, рус ва ўзбек тилшуносларининг мавзу доирасидаги назариялари тавсифий метод асосида келтирилади.

Ўрганилган адабиётларга кўра, дунё тилларида отга одатда тўртта грамматик категория хосдир. Булар жинс, сон, эгалиқ, келишиқ. Охирги ўн йилликлар тилшунослигига қараганда, отнинг морфологик категориялари сафига бешинчи, яъни аниқлик ва ноаниқлик категорияси ҳам киритилмоқда.

Мавзу билан боғлиқ ўрганилган адабиётлар асосида қуйидаги жадвал тузилди:

1.1.1-жадвал

Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос грамматик категориялар

№	Тиллар	Тил гуруҳлари	Типологик хусусияти	Сон	келишиқ	жинс	эгалиқ	Аниқлик ноаниқлик
1.	ҳиндий	Ҳинд-орий тиллари	Аналитик	+	+	+	-	-
2.	Ўзбек	Туркий тиллар	Агглютинатив	+	+	-	+	-

Жадвалдан кўринадики, ҳиндий тилида от сўз туркумига учта грамматик категория хосдир: 1) гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган келишик категорияси, 2) бирлик ва кўпликни ифодаловчи сон категорияси, 3) отларнинг музаккар ва муаннас жинсига мансублигини билдирувчи жинс категорияси. Ўзбек тилига эса от сўз туркумига эгалик, сон, келишик каби грамматик категориялар мансуб. Масалага типологик жиҳатдан ёндашиб, кейинги бобларда иккала тилнинг от сўз туркуми доирасида мавжуд бўлган сон ва келишик категориялари тадқиқ этилди. Жадвалга кўра, сон ва келишик грамматик категориялари иккала тилга ҳам хосдир. Шунинг учун тиллар генеологик ва типологик жиҳатидан фарқ қилса-да, ушбу категориялар, яъни сон ва келишик категориялари чоғиштириш учун олинган. Ушбу категорияларни чоғиштириш 2 ва 3 бобларда батафсил кўринади.

Ҳиндий тилига хос грамматик категориялар ҳақида сўз борганда, жинс категориясидан таъриф бошланади, кейинги ўринларда сон ва келишик категориялари келади. Ўзбек тилида эса грамматик жинс категорияси мавжуд эмас, лекин шунга қарамай ўзбек тилида мантикий жиҳатдан бу категория мавжуд. Ушбу категория аёл ва эркак жинсидан иборатдир. Кўпинча бу категория ўзлашма сўзларда намоён бўлади. Масалан, *муаллим*, *муаллима*, *адиб*, *адиба* ва бошқалар. Бундай сўзлар ўзбек тилидаги гапларда бошқа бўлақларга таъсир ўтказмайди. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин. *Муаллим мажлисга келмади; Муаллима ўқувчиларга савол берди*. Ҳиндий тилида эса жинс категорияси бутунлай бошқача ифодаланади, яъни бу категория ҳиндий тилида махсус грамматик категориялар тарзида ифодаланади. Масалан,

सड़क *saRak* «кўча» муаннас жинсдаги жонсиз от,

पेड़ *peR* «дарахт» музаккар жинсдаги жонсиз от,

कच्ची सड़क *kacci: saRak* «асфальтланмаган кўча»,

ऊँचा पेड़ *u:nca: peR* «баланд дарахт»

Юқоридаги мисолларда аниқловчи муаннас ва музаккар жинсдаги отлар билан мослашган.

कच्ची सड़कें दिखायी दे रही हैं *Kacci: saRakeN dikhayi: de rahi: heiN*. «Асфальтланмаган кўчалар кўринаяпти»;

ऊँचे पेड़ लगे हुए हैं *U:nce peR lage hue heiN*. «Баланд дарахтлар экилган».

Мазкур жумлаларда икки муаннас ва музаккар жинсдаги отларнинг кўплик шакллари ифодаланган ¹⁴.

Ҳиндий тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида жинс грамматик категорияси эмас, балки бирон шахс ёки нарса-предметга оидлик ёки мансубликни

¹⁴ Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 3-қисм, 2004. –Б.25.

ифодаловчи эгалик категорияси мавжудлиги билан характерланади. Бу категория ўзбек тилида грамматик морфемалар орқали ифодаланади.

Отларнинг грамматик хусусиятларидан бири унинг эгалик категориясига эга бўлишидир. Нарса-предметнинг (сўзловчи, тингловчи, ўзгачан) бирига тааллуқли эканлигини англатувчи умумий маънолар ва уларни ифода қилувчи шакллар тизими эгалик категорияси дейилади. Нарса-предметнинг уч шахсдан бирига мансублигини кўрсатувчи морфема эгалик аффикси деб юритилади. Эгалик аффикслари шахс маъноси билан бирга унинг сонини ҳам кўрсатади: *дўстим, дўстимиз*¹⁵.

Эгалик маъноси ҳиндий тилида ҳам мавжуд, аммо унда ўзбек тилидаги каби эгалик маъносини ифодаловчи грамматик восита мавжуд эмас. Унда лексик восита, яъни эгалик олмошлари мазкур маънони ифодалаш учун хизмат қилади:

<i>Китобим</i>	<i>मेरी पुस्तक</i>	<i>meri: pustak</i>
<i>Китобинг</i>	<i>तेरी पुस्तक</i>	<i>teri: pustak</i>
<i>Китоби</i>	<i>इसकी, उसकी पुस्तक</i>	<i>iski, uski: pustak</i>
<i>Китобимиз</i>	<i>हमारी पुस्तक</i>	<i>hama:ri: pustak</i>
<i>Китобингиз</i>	<i>तुम्हारी, आपकी पुस्तक</i>	<i>tumha:ri:, a:пки: pustak</i>
<i>Китоблари</i>	<i>इनकी, उनकी पुस्तक</i>	<i>inki:, unki: pustak</i>

Баъзан ўзбек тилида эгалик аффикслари қўлланмасдан, тегишлилик маъноси белгисиз ифодаланиши ҳам мумкин: *бизнинг китоб (-имиз), сизнинг китоб (-ингиз)* каби. Бундай ҳодиса ўзбек тилида асосан биринчи ва иккинчи шахсда содир бўлади ва ҳиндий тилида эгалик маъносини ифодалаш усулига тенг келади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос аниқлик ва ноаниқлик грамматик категорияси бўлмаса, бу маънолар мазкур тилларда ифодаланмайди, деган фикрга келиш нотўғри. Чунки ҳар бир тилда маънолар бир хил усулда ифодаланмайди. Маълум бир маъно бир тилда грамматик воситалар, бошқа тилда эса лексик воситалар билан ифодаланиши мумкин. Асосан роман-герман тилларига хос бўлган аниқлик ва ноаниқлик грамматик категориялари ҳиндий ва ўзбек тилларида лексик ва синтактик воситалар билан ифодаланади.

Маълум бўлишича, аниқлик ва ноаниқлик категорияси қадимги ва ўрта ҳинд-орий тиллари учун хос эмас. Бундай термин янги ҳинд-орий тилларида кўзга ташланмоқда. Янги ҳинд-орий тиллари, жумладан, ҳиндий тилида аниқлик ва ноаниқлик маъноси морфологик усулда эмас, балки лексик ва синтактик усулда ифодаланади¹⁶.

Масалан,

¹⁵ Сапаев Қ. Ҳозирги ўзбек тили. – Т., 2009. -Б.89.

¹⁶ Colin P.Masica the Indo-Aryan Languages, Cambridge, Cambridge University, 1991,-P.248.

1. गायक अच्छा गा रहा है। Ga:yak achcha: ga: raha: hei. «Кўшиқчи яхши ижро этипти»;

2. उन में से एक गायक अच्छा गा रहा है। Un meiN se ek ga:yak achcha: ga: raha: hei. «Улар орасида *бир* кўшиқчи яхши ижро этипти».

Биринчи жумлада ноаниқлик ва иккинчи гапда эса аниқлик маънолари мавжуд ва аниқлик एक *ek* 'бир' сўзи орқали, яъни лексик йўл билан ифодаланмоқда.

Ўзбек тилида:

*Туробжоннинг бу сўзлари хотинининг қулогига нотайин бир гулдураш бўлиб туюларди*¹⁷.

*Бир гадоёвчанинг бу даргоҳдан кетишига ошиқиши унга ҳақорат бўлиб туюлди*¹⁸.

Мазкур гапларда *бу* ва *бир* сўзлари аниқликни ифодаламоқда. Кўринадики, ўзбек тилида ҳам аниқлик ва ноаниқлик маъноси морфологик усулда эмас, лексик усулда ифодаланади.

1. पुस्तक पढ़ो | Pustak paRho «китоб ўқи (умуман қандайдир китоб)»;

2. पुस्तक को पढ़ो | Pustak ko paRho «китобни ўқи (айнан шу китоб)» мазкур жумлада икки тилда ҳам аниқлик категорияси синтактик усулда, яъни ҳиндий тилида *को ko* послелогги ёрдамида, ўзбек тилида эса *-ни* тушум келишиги кўшимчаси кўмагида ифодаланган.

Демак, грамматик категориянинг асосий вазифаси гапда сўзларни тартибга солиш бўлса, уни ўрганиш орқали турли тилларда ифодаланган жумлаларнинг маъносини англаш мумкин. Қолаверса, тилларга хос хусусийлик грамматик категориялар орқали яққол намоён бўлади.

Диссертациянинг «**Ҳиндий ва ўзбек тилларида от сўз туркумига хос сон категориясида изоморфизм ва алломорфизм ҳодисаси**» деб номланган иккинчи бобида ҳиндий ва ўзбек тилларидаги сон грамматик категорияси шаклларида изоморфизм ва алломорфизм ҳодисаларига эътибор қаратилган. Иккала тилда ҳам сон категорияси грамматик усуллар орқали ифодаланиб, морфологик категория ҳисобланади. Икки тилда ҳам бирлик ва кўплик шакллар мавжуд.

Тадқиқот жараёнида сон грамматик категорияси нуқтаи назаридан қуйидаги типлар аниқланди:

1-тип – яқинлаштирувчи тип – бирликдаги отлар бир хил турдаги предметларнинг биттасини билдиради: *पुस्तक* – «китоб», *कापी* – «дафтар» каби. Бу типга кўра иккала тилда ҳам бирлик шакл ҳосил қилувчи морфема 0 га тенг.

¹⁷ Абдулла Қаҳҳор. Дахшат. Анор. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018.-Б.6.

¹⁸ Абдулла Қаҳҳор. Дахшат. Дахшат. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018.-Б.14

2-тип – нисбатан яқинлаштирувчи тип – бунга кўра, танланган икки тилда ҳам отларнинг кўплик шакли асосан икки хил йўл билан, яъни морфологик ва лексик усулда ясалади.

хиндий тилида:

नवीन जी की आँखें सजल हो गयीं। – NaviN ji: ki: a:NkheN sajal ho gain¹⁹
«Навиннинг кўзлари ёшга тўлди».

ўзбек тилида:

У ҳам осмонга – хира юлдузларга қаради.

Бу мисолларда икки тилда ҳам сон грамматик категорияси морфологик усулда ифодаланган.

Лексик усул, яъни сонга оид сўзлар билан отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинганда, бир қарашда изоморфизм хусусияти кўзга ташланса-да, аслида алломорфизм ҳодисаси ифодаланади. Масалан,

хиндий тилида

पन्ना के चार बच्चे थे तीन बेटे और एक बेटी – Panna: ke cha:r bachche the ti: beTe aor ek beTi:²⁰ – «Паннанинг тўрт фанзанди бор эди – уч ўғил, бир қиз».

ўзбек тилида

Бир кун ўтди, уч кун ўтди, ўн кун ўтди, на Салимжон, на қудалар, ҳеч ким йўқламади²¹.

Бу ерда хиндий тилида келтирилган *тўрт фарзанд* бирикмаси сўзма сўз *тўрт фарзандлар* тарзида келтирилади.

3-тип – бутунлай фарқланувчи тип - хиндий тилида жинс грамматик категориясининг мавжудлиги боис отларнинг кўплик шакли ўзбек тилидан фарқли равишда ясалади. Масалан: музаккар жинс бирлик сондаги *लड़का laRka*: «ўғил бола» – *लड़के laRke* «ўғил болалар», муаннас жинс бирлик сонда қиска -a билан тугаган отларга -एँ -eN қўшиш билан кўплик шакли ясалади: *बात ba:t* «ган» – *बातें ba:teN* «ганлар». Демак, ўзбек тилидан фарқли равишда хиндий тилида отларнинг музаккар ва муаннас жинсига қараб, кўплик шакл ҳосил қилувчи морфемалар турлича бўлади. Ушбу типда хиндий тили ўзбек тилида кузатилмайдиган бир хусусиятга эга, яъни отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинганда айрим хиндий тилидаги сўзларда фузия ҳодиса кузатилади. Ўзбек тилида эса отларнинг кўплик шакли ҳосил қилинганда бундай ҳодиса кузатилмайди.

Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категорияси икки субкатегория, бирлик ва кўпликдан ташкил топган.

Уларнинг грамматик ифода усуллари қуйидагича: Ø флексия ва флексия усули - хиндий тилида бу усулдан кенг фойдаланилади, ўзбек тили агглютинатив тил бўлганлиги сабабли бундай ҳодиса кузатилмайди;

¹⁹ प्रेमचंद, मानसरोवर – 1, दिल्ली. – पृ०11.

²⁰ प्रेमचंद, मानसरोवर – 1, दिल्ली. – पृ०9

²¹ Абдулла Қаҳҳор. Дахшат. Муҳайё. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б.95.

агглютинация – ҳиндий тилида характерли эмас, зеро, ҳиндий тили аналитик тилдир, ўзбек тилида мазкур усул ўта сермахсул; аналитик усул ҳиндий тилида етакчи саналади, ўзбек тилида бу усул каммахсул. Ҳозирги ўзбек тилида *даста-даста гул, қоп-қоп ун* каби бирикмалар аналитик усулнинг натижаси ҳисобланади; супплетивизм (айни сўзга мансуб икки сўз шаклининг алоҳида-алоҳида сўзларда ифодаланиши) усули иккала тилда ҳам реаллашади.

2.4-жадвал

Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категориясини ифодаловчи усуллар

№	Сон грамматик категориясини ифодаловчи усуллар	Ҳиндий тили	Ўзбек тили
1.	Ø флексия	व्यक्ति «шахс» – व्यक्ति «шахслар»	-
	Флексия	कमरा «хона» – कमरे «хоналар»	
2.	Агглютинация	-	Кўча – кўчалар
3.	Аналитик	किसान लोग «деҳқонлар»	Даста – даста гул
4.	Супплетивизм	मैं «мен» – हम «биз»	Мен – биз

Ҳиндий тилида сон грамматик категорияси фақат отларга хос бўлмай, сон, сифат, олмош ва феълларда ҳам ифодаланади. Ўзбек тилида бу грамматик категория от, олмош ва феълларга хосдир.

Ҳиндий тилида сон грамматик категорияси сифатларга ҳам хос бўлганлиги сабабли у от туркумига оид сўзлар билан шартли равишда мослашади. Масалан, मोटा सा आदमी आया है। Moṭa: sa: a:dmi: a:ya: hai «Семизгина одам (музаккар) келди»; यह बड़ा कमरा है। Yeh baRa: kamra: hai. «Бу катта хонадир (музаккар)»; यह छोटी लड़की है। Yeh choTi: laRki: hai. «Бу кичкина қиз бола (муаннас)».

Ўзбек тилида сифатларда сон категориясининг йўқлиги боис от қандай шаклда ишлатилган бўлишидан қатъий назар белги сўзларида ўзгариш рўй бермайди.

Ҳар икки тилда ҳам сон грамматик категориясини ифодалашда транспозиция ҳодисаси, яъни грамматик категорияларнинг ўзига хос бўлмаган вазифада қўлланилиши кузатилади. Иккала тилда ҳам мавҳум отлар, жамловчи отлар, саналмайдиган отлар, атоқли отлар фақат бирлик сонда ифодаланиб, кўплик маъносини ҳам билдиради.

Ҳиндий тилида сон грамматик категорияси нафақат сўзларнинг кўплик, балки ҳурмат маъносида ҳам қўлланилади. Масалан, देखिये, गुरु जी आये हैं। Dekhiye, guru ji: a:ye heiN. «Қаранглар, устоз келдилар».

Ўзбек тилида *-лар* аффикси нафақат кўплик, балки ҳурмат, эркалаш, тахмин каби маъноларни ҳам ифодалайди. Масалан, - ҳурмат – Мен билмасам, *дадам биладилар-да*²²!

-эркалаш – Нозу *карашмаларингдан* аканг... (кўшиқ)

-маъно кучайтириш – Ажаб қилдим, - деди Туробжон титраб, - *жигарларинг* эзилиб кетсин²³!

-тахмин – Мажлис соат *иккиларда* (тахминан соат иккида) бошланади.

Ҳар икки тилда ҳам сон грамматик категорияси монофункционал ва полифункционалдир.

2.5-жадвал

Ҳиндий ва ўзбек тилларида сон грамматик категориясининг маъно ва вазифалари

Тиллар	Сон грамматик категориясининг маънолари				Сон грамматик категориясининг вазифалари			
	Тўғри маъно		Кўчма маъно		монофункционал		полифункционал	
	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик	Бирлик	Кўплик
Ҳиндий	+	+	-	+	+	+	-	+
Ўзбек	+	+	-	+	+	+	-	+

Иккала тилда сон грамматик категориясида маъно ва вазифаларига кўра ўхшашлик кўзга ташланади, яъни ҳар икки тилда ҳам сон грамматик категорияси тўғри ва кўчма маънода қўлланади, монофункционаллик мос тушади. Полифункционаллик нуқтаи назаридан, ҳиндий тилида сон грамматик категорияси торроқ доирада ишлатилса, ўзбек тилида ниҳоятда кенг қўламда қўлланилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос келишик категориясида изоморфизм ва алломорфизм ҳодисаси**» деб номланган бўлиб, унда ҳиндий ва ўзбек тилларида келишик категорияси шакллариининг изоморфизм ва алломорфизм ҳодисалари ҳамда ҳар икки тилдаги келишик категорияси шакллариининг семантикаси ҳақида сўз боради.

Ҳиндий тилидаги келишик категорияси масаласи баҳс-мунозаралидир. Бунда ҳинд тилшунослари ҳамда рус ҳиндшунослари фикрлари орасида тафовутлар кўзга ташланади. Масалага функционал равишда ёндошилганда, яъни ҳиндий тилида келишик шакллариининг вазифаларига кўра, ҳинд тилшунослари фикрига қўшилиш мантиқан тўғри. Агар ишга семантик

²² Абдулла Қаҳҳор. Дахшат. Етим. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018. -Б.33.

²³ Абдулла Қаҳҳор. Дахшат. Анор. -Т: Адабиёт учқунлари, 2018. -Б.5.

жиҳатдан қаралганда, яъни келишиқ шаклларининг ички хусусиятларига қараганда рус тилшунослари фикрига таянилади. Мазкур типологик тадқиқотни амалга оширишда анъанавий ҳинд тилшунослигига асосланган ҳинд назарий манбаларига таянилди ва қуйидаги жадвал тузилди:

3.1.1-жадвал

Ҳиндий ва ўзбек тилларида келишиқ

№	Ҳиндий тилида келишиқлар ва унинг кўрсатгичлари		Ўзбек тилида келишиқлар ва унинг кўрсатгичлари	
	Номлари	Кўрсатгичлари	номлари	Кўрсатгичлари
1.	कर्ता karta	Ø, ने	Бош келишиқ	Ø
2.	करण karan	को	Тушум келишиги	-ни
3.	कर्म karm	से, के द्वारा		
4.	सम्प्रदान sampradan	के लिए, को	Жўналиш келишиги	-га, -ка, -қа
5.	अपादान apadan	से	Чиқиш келишиги	-дан
6.	सम्बन्ध sambandh	का, के, की	Қаратқич келишиги	-нинг
7.	अधिकरण adhikaran	में, पर	Ўрин-пайт келишиги	-да
8.	संबोधन sambodhan	हे, अरे (अरी)		

Тадқиқот жараёнида келишиқ грамматик категорияси нуқтаи назаридан қуйидаги типлар аниқланди:

1-тип – яқинлаштирувчи тип – бу типга кўра, ҳиндий ва ўзбек тилларидаги бош, тушум, чиқиш, қаратқич ва ўрин-пайт келишиқлари ва уларнинг кўрсатгичлари орасида бевосита ва билвосита ўхшашликлар мавжуд. Масалан, यह बेग चमड़े से बनाया गया है। Yeh beg *chamRe se bana: gaya: hei*. «Бу сумка чармдан тайёрланган».

